

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

14 ЯНВАР - ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



**Мамлакатимиз тупроғида
яшаб турган ва ўзини
ватанпарвар деб
ҳисоблаган ҳар бир киши
унинг яхлитлиги ва
бирлигини асраб-
авайлаши шарт.**

Ислон КАРИМОВ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 8 январь кунин амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Геннадий Куликни қабул қилди.

Давлатимиз мамлакат фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу йил ҳам муборак ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 январда қабул қилган «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори шу ҳақидадир.

Ўтган яқшанба кунин Қозоғистон тарихида биринчи марта мамлакат президентидаги муқобилик асосида сайлов ўтказилди. Маълумотларга қараганда, сайловда 58 ёшли Нурсултон Назарбоев галаба қозонган. Сайловда иштирок этган қозоғистонликларнинг 81,7 фоизи Назарбоев учун овоз берганлар.

Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов Бош вазир ўринбосари Борис Шихмуродовни ўз вазифасидан озод қилди. У Ашгабада бўлиб ўтган йиғилишда Шихмуродовни китоб дўконларини тижорат тизимига ижарага бериб юборганликда айблади.

РИСКАЧА

- 1999 йил 1 январдан мамлакатимизда айрим турдаги импорт товарларга божхона тўловлари беқор қилинди.
- 12 январ кунин Россия прокуратура ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонладилар.
- АҚШ ҳукумати 11 январ кунин Ирокка қарши ўзининг

навбатдаги ҳарбий ҳужумини улоштирди.

■ Янги йилнинг 6 январидан Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунин амал қила бошлади.

■ 12 январдан Ўзбекистон Республикасининг яна бир янги - «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунин кучга кирди.

ЭГАСИНИ ТОПМАГАН НАФАҚАЛАР

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ МЕХНАТ БОШҚАРМАСИ ВА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИГА МАСЪУЛИЯТ-СИЗЛИК БИЛАН ҚАРАГАНЛИКЛАРИ ОҚИБАТИДА НАФАҚАХЎРЛАРНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ЕТИБ БОРМАГАН. 2-Б.

МАТОНАТЛИ ИНСОН

3-Б. 36 ёшида генерал унвонига эга бўлган ҳуқуқшунос хотиралари.



ТАҚДИР НАРЧАЛАРИ

4-Б.

Таҳририятимизга келаётган хатларнинг 85 фоизини ариза ва шикоятлар ташкил этади. Бунинг сабаби нима?..

АМАЛ ВАСВАСАСИ

5-Б.

«Шеф» амр этса булбулнинг сутини топиб келишга ҳам шай тургучи хушомадгўй югурдаклар ниманин ҳисобидан бу қадар «сахийлик» қилишмоқда? Қисқаси, текин даромад ҳисобидан эмасми?..

Ўвуз ўғай она ва унинг етим қизга ўтказган жабр-зулми ҳақида кўплаб эртақлар ўқиганмиз. Аммо... газетамизда чоп этилаётган мақола афсуски, чўпчак эмас.

ОНАСИЗ ЕТИМ - ГҮР ЕТИМ...МИ?

5-Б.



8-Б.

Эҳ, бу Америка! Ҳеч уларни «ўрганишдан» толиқмаймиз.

**ТАХТ
Керакми,
БАХТ?**

САЁҚ ЮРГАН...

7-Б.

Улфат исмли собиқ маҳбуснинг маъшуқаси иштироқидаги фожиали саргузашти.

Аммо, барчамиз билган бу оддий ҳақиқатларни муҳасам этиш осон иш эмас. Бу ҳолнинг сабаблари эса кўп. Уларни рўқча қилиб, биз - журналистлар ўзимизни қанчалик оқлашга ўринмайлик, барибир, асосий айбдор ўзимиз бўлиб қолаверамиз. Чунки, ҳаёт синовларига, довр талабларига дош бериш осон кечмаётир.

Ана шуларга қарамасдан, баъзи баъзида ҳамкасбларимиз томонидан кескин, журъатли чиқишларини кўриб, кўнгилда умид учкунлари чакнайди. Халқ томонга интилиш, ҳақ сўздан қайтмаслик дилни руҳлантиради. Энг асосийси, Президентимизнинг ўзлари адолат учун курашувчи, камчилиқ-нуқсонларни аёвсиз танқид остига олувчи журналистларни ҳимоя қилишга қафиллик бермоқда. Шундай экан, биз қаламкашлар учун бундан ортқ яна қандай ИМТИЁЗ бўлиши керак?!

Аввни, бугун мамлакатимизнинг барча жабҳаларида довам этаётган ислохотлар охир-оқибат фуқаролик жамияти йўлига бориб туташади. Қонун олдида барчанинг тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари эса ўз навбатида демократик матбуот олдида долзарб вазифаларни кўндоланг кўймоқда.

Ҳозирда чоп этилаётган ҳуқуқий нашрларнинг дунёга келиши ҳам ушбу сабаблар билан боғлиқ. Бундан ўн йилча илгари ўзбек тилида чиқадиган ҳуқуқий газета ёки журнални топиш амри-маҳол эди. Эндликда уларнинг сони ҳам, салмоғи ҳам кўтилангидан ортқ. Ҳатто вилоятларимизнинг ҳар бири ўзининг ҳуқуқий нашрига эга.

Республика Прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқук» газетаси ҳам прокуратура фаолиятига ошқоралик бериш, қонунийликни тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилган. Таҳрират ҳодимларининг ўтдан довр ичида амалга оширган ишлари ана шу вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилди. Албатта, меҳнатимизни қандай баҳолаш муштарийлар ҳукмига ҳавола.

Кези келганда шу нарсани айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқий нашрларни, жумладан бизнинг газет ва журнализмни ҳам эҳтиёж фарзанди, десак муболага бўлмас. Сабаби, одамларда ҳуқуқини танишга, ҳуқуқдан сабоқ олишга қанқоқлик кучли эди. Бу иштиёқ ҳали ҳам пайсаяни йўқ. Таҳриратимизга келаятган хатлар оқими шундай ҳулоса чиқаришга имкон беради.

Мамлакатимизнинг турли бурчқларидан ҳар қуни хат-хабарлар оламиз. Ҳар бир номада кимнингдир тақдири, кимнингдир қисмати баён этилган.

Албатта, биз ҳар бир хатни эътибордан четда қолдирмасликка, мумкин қадар арзчилорга ёрдам беришга интиломиз. Тегишли маҳкамаларга мурожаат қилиб, шикоятда келтирилган вазларни кўриб чиқишни сўраймиз.

Таҳриратга келган хатларни саралаш жораянда шу нарсага омин бўлдиқки, уларнинг 85 фоизини ариза ва шикоятлар тошқин этаркан. Айрим маҳаллий раҳбарларнинг бебошлиқлари, фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуққларининг бузилиши билан боғлиқ ҳаракатлар натижасида қозғога туширилган дардли овозлар бот-бот қулоққа чалинади. Биз уларнинг айримларини газетода эълон қиламиз. Бозъилорига прокуратура текширувидан кейин жавоб

Матбуотни мамлакат кўзгусига, халқ минбарига менгзашади. Ва бу ўринли ўхшатиш. Негаки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, воқеа-ҳодисалар, уларга одамларнинг муносабати, мушоҳадаси бир жиҳатдан матбуотнинг мазмун-мундарижасини белгилайди. Замон нафасини ўзида акс эттирган, объективлиқни фаолиятининг бош мезонига айланттирган нашрларнинг ўқувчиси ҳам, ихлосмандлари ҳам кўп бўлади.

берилмоқда. Журналист текширувидан кейин чора кўрилган материаллар ҳам бор. Энг кўп 60-65 фоиз хатларга прокуратура ҳодимларининг бевосита аралашуvidан кейин адолатли жавоб берилган.

Лекин минг чиғирикдан ўтказилган асосли суд ҳукмиридан норози бўлиб ёзилган шикоятлар ҳам анчагина. Ана шундай хатлардан бирини бизга жазо муддатини ўтаётган А.Низомов йўлган. Маҳқум Ургут туман ИИБсининг жиноят қидирув бўлимасида тезкор вакил бўлиб ишлаганлигини, на-

оилавий аҳоли каби жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинган ҳолда қилмишига яраша қонун доирасида жазо тайинланган.

Республика прокуратураси суд қарорлари билан келишиди, бинобарин Низомовнинг аризалари оқибатсиз қолдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари вазифасини бажарувчи, 3-даражали Давлат адлия

этан. Прокурор ёрдамчиси ариза билан баътафсил танишиб чиқиб, ундаги вазлар низоли бўлганлиги сабаби судга мурожаат қилиш ҳақида оғзаки равишида тушунирган. Шикоятчи бундан аризмани қабул қилишмади, деган ҳулоса чиқарган, судга ҳам мурожаат этмаган.

Шунингдек, Г.Ҳасановнинг туман коммунал хўжалик бошқармаси котибаси Қ.Муҳаммадалиева сирдан уй-жойимни рўйхатдан ўчириб юборган, деган вазли ҳам тасдиқланмади, яъни уҳозирге кунга қадар ушбу низоли уйда рўйхатда турганлиги аниқланди.

Г.Ҳасанова 1990 йилда уйини 4 минг сўмга А.Эргашев ва М.Эргашеваларга сотганлиги боис, улар ҳозиргача мазкур уйда яшаб келаятганликлари, шу пайтгача ариза учини ўзим расмийлаштириб берман деб алоба келаятганлиги аниқланди. Ушбу масалада иккала томоннинг давоси инобатга олинди, ариза муаллифига низо билан боғлиқ бўлган ишлари учун фуқаролик тартибида даъво қўзғатилиб, судга мурожаат этиш ҳусусида тушунирилди.

Х.Назарматов,
Ўртачирчиқ туман прокурори.

Таҳрират архивида сақланаётган шикоятлар «хирмони»га энг кўп улуш қўшганлар номини тилга олганда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларини, Ташкент шаҳри ва вилояти, Қорақалпоғистон республикасини ало-ҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Негаки, ҳар учта шикоятдан биттасида ушбу монзилар қайд этилган. Қаерда адолат топталса, ўша ерда ҳақи эътироз, норозилиқлар кучаяди, деган ҳақиқатга таянса, мамлакатимизнинг юқорида номлари санаб ўтилган ҳудудларида фуқароларнинг ҳақ-ҳуққларини ҳимоя этиш борасида анчагина муаммолар ҳам борлиги аён бўлади.

Ниятимиз, ушбу йилда ҳаммамиз биргаликда бу муаммоларни барторат этиб, ислохотлар тараққиётига муносиб ҳисса қўшсак.

Биз ўзимизни ташаббускор қилиб кўрсатиш мақсадида «ишляяпмиз» деган сўзни тез-тез тилга оладиган одат чиқордик. Лекин, «қандай ишляясиз», деган савол қаршисида кўп ҳолларда ер чизиб қолаятганлигимиз ҳам рост гап. Сабаби, ўта вазиимлик, эҳтиёткорлик билан ишласак, замондан ортда қолиб кетаяпмиз, «ура-ура»га берилсак, мақсад йўлидан чиқиб кетаяпмиз. Ҳаёт эса кундан-кун янги талаблар асосида ишляша ундояпти. Бунинг учун эса ҳурматли Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек, **«Адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргаликда курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун - каттаю кичик, жинсидан, миллати, этникида ва мансабидан қатъи назар, барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!»**

Норбек УСАНОВ,
«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқук» газетаси бирлашган таҳриратнинг хатлар бўлими муҳаррири.

ТАҚДИР
Таҳриратимизга келаятган хатларнинг 85 фоизини ариза ва шикоятлар ташкил этади. Бунга сабаб нима?..

шафорушлар билан олоқа боғланганди, улардан пора олиб юрганликда ва 900 г. гиё-вандлик моддасини гайриқонуний равишда эгаллаб олганликда ноҳақдан айбланиб қамоққа олинганлиги ва жинойи жавобгарликка тортилганлигини билдирган. Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида Республика прокуратурасига қилган мурожаатимизга қуйидаги жавоб хатини олдик:

Маҳбус А.Низомовнинг ноқонуний судланганлиги ҳақида «Қонун ҳимоясида» журнали муҳарриратини ва Республика Олий Мажлисига ёзган аризалари текширилди.

Аниқланишича, А.Низомов Самарқанд вилоят судининг 10.09.96 йилдаги ҳукми ва мазкур ҳукми қисман ўзгартириш ҳақидаги Республика Олий суди жинойи ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 09.01.97 йилдаги ажримига асосан У.Р.ЖКнинг 234 м., 1 қ., 271 м., 1 қ. «б», «д», «ж», «е» бандлари, 210 м. 3 қ. «а» банди билан 18 йилга озодликдан маҳрум қилинган, 07.08.96 йилдаги амнистия актига кўра жазо 1/4 га қисқарттирилган.

Суднинг шу ҳукми билан О.Ҳусанов ва бошқалар (жами 8 киши) ҳам судланганлар.

А.Низомовнинг юқоридаги жиноятини содир қилганликдаги айби ўзи иқроқлик билдирма-сада, шу иш бўйича судланганлар Азимуратов, Исмоилов, Ашуров, Пулатов, Жаҳбаров, Шумуродов, гувоҳлар Каримов, Амонова, Саломова, Таниқуллова, Хайдарова, Ҳусановаларнинг кўрсатувлари, ўтказилган юзлаштиришлар, экспертиза ҳулосалари ҳамда ишдаги мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган.

Республика Олий суди ЖСХ томонидан Низомовнинг ҳаракати юқоридаги моддалар билан тўтри малакалини, содир қилинган жиноятининг ижтимоий ҳавфилик даражаси, содир этиш усули, Низомовни шахси,

маслоҳатчиси Б.Х.Пулатов.

Албатта, адолатли суд ҳукмини тан оломоқ, қонуннинг ким томонида эканини баҳоламоқ учун ҳам ҳуқуқий кўникма зарур. Бизнингча, шундай кўникмани қорор топтириш ҳам айна довримизнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ақинча ўз тасдиғини топмаётган шикоятлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Ташкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида яшовчи фуқаро Г.Ҳасановнинг Бош муҳарриримиз номига йўлган хатиде туман прокурорининг ёрдамчиси ва туман коммунал хўжалик бошқармаси ҳодимларининг мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари, фуқаролар А.Эргашев ва М.Эргашева унинг уйини ноқонуний равишда эгаллаб олганликлари баён этилган эди. Биз мазкур вазларни қонуний ҳал этилишини сўроб, ёзма равишда Ташкент вилоят прокурори О.Ҳолматовга мурожаат этдик. Яқинда эса ушбу масала юзасидан қуйидаги жавоб хатини олдик:

Туман прокуратураси томонидан фуқаро Г.Ҳасановнинг аризаси ўреаниб чиқилиб, унда прокурор ёрдамчиси У. Аймураева томонидан аризмани қабул қилмаганлиги ва туман коммунал хўжалик бошқармаси ҳодимларининг ўз мансабини суиистеъмол қилганлиги ҳамда унинг уйини Эргашевлар ноқонуний равишда эгаллаб олганликлари ҳақидаги вазларни текшириб чиқилди.

Текширишда аниқланишича, ҳақиқатан ҳам фуқаро Г.Ҳасанова туман прокуратурасига келиб, Тўйитена шаҳар О.Шарафудинов кўчаси 81-уйнинг 6-ҳонадониде 1986 йилдан буён яшаб келаятганлигини, уйини вақтинча А.Эргашев ва М.Эргашеваларга бералигини, эндиликда улар чиқиб кетма-ётганликлари баён қилинган ариза билан прокурор ёрдамчиси У. Аймураевага мурожаат

Лоқайдлик!

ЕНАЁТГАН

ДАРАХТЛАР

Нон. Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимишга тансиқ бебаҳо таом келади. Ноннинг азизлиги ҳақида кўп бор эшитганмиз. Бу ҳақда халқ ўртасида қанча ривоятлар тўқилмаган дейсиз. Ҳатто беку уламолар, хону подшоҳлар ҳам ўзлари отда кетаётса-ю, ерда бир нон увоғини кўрса улувидан тушиб, увоғни кўзларига суртишган. Ҳарбийга хизматга кетаётган йигитга нон тишлатиб қолдириш удуми ҳозир ҳам бор. Икки ёш илк фотиҳа қилинганда ҳам бир жуфт нон синдирилади. Уларнинг ҳаёти нондай қадрли бўлсин, дегани бу. Ноннинг улуглиги-ю, муқаддаслиги ҳақида кўп ва ҳўп ёзиш мумкин.

зарар етказилган. Текширишлар давомида ўтган давр мобайнида 2121 та мансабдор ва бошқа шахслар маъмурий ва интисомий жавобгарликка тортилди, тегишли идораларга 207 та тақдиминома киритилди, ноқонуний равишда қабул қилинган 25 та меъёрий ҳужжатга нисбатан протест келтирилди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши натижасида хўжаликларга етказилган 505,8 минг сўмлик моддий зарар ундирилди таъминланган.

Ушбу фактлар ҳақида ёзар эканмиз ҳаёлимиздан бир ўй кечди. Ҳали кўпчиликнинг ҳаёлида «бу ер хўжалики, буниси меники», деган қараш мавжуд. Узингиз бир ўйлаб кўринг, қонун бузарликка йўл қўйиб, хўжалик буғдойзори ёки пахтазориди мола боққан кишилар ўз ҳовлисига қўшинининг қўйи ёки эчкиси тушса, кўлида каптак билан мол-

ку, нарида турсин, ҳатто қўшинини ҳам уришдан қайтмайди. Қачонгача хўжаликларнинг гапгазорлари лоқайд одаларнинг мол ва қўйларидан химоса қилинади? Ажаб, отлик милиция ходимлари ўз вазифалари қолиб далаalarda қоровуллик қилишга мажбур бўлишарми. Қишлоқ фуқаролар кенгашлари, маҳалла фаоллари бўлишарми. Қишлоқ фуқаролар кенгашлари, маҳалла фаоллари бўлишарми. Қишлоқ фуқаролар кенгашлари, маҳалла фаоллари бўлишарми.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар умри давомида бир тул ниҳол экишмайди. Яшнаб, гуллаб, барқ уриб турган дарахтларга қирон келтиришдан тап тормайдилар. Бундай шахсларни ким деб аташини ҳам билмайсан. Сирдарё вилояти, Ш.Рашидов туманидаги «Зангиота» фермер хўжалиги раиси Ж.Тўраев тумандаги Т.Малик номли деҳқон (фермер) хўжаликларни бирлашмасига қарашли 280 тул тул дарахтларини ўтган йилнинг 15 ноябрь кўни ёқиб юзориб, хўжаликка 186 минг сўмлик моддий зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокурори томонидан Ж.Тўраевга нисбатан жиноят иши кўзга-

тилиб, тергов ўтказилмоқда ва етказилган зарар тўлиқ қопланди. Шу тумандаги, Пахтабод деҳқон (фермер) хўжалигининг 5-бўлими бошлиғи Ж.Жўраев ҳам ўтган йилнинг 19 ноябрь кўни 24 тул олма дарахтини ёқиб юборганлиги оқибатида хўжаликка 130 минг сўмлик моддий зарар келтирди.

Улар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Бироқ, неча-неча боғ-бонларнинг қул бўлган меҳнатларини пул билан ўлчаб бўлмайди. Афсуски, бундай ҳоллар нафақат икки хўжаликка, балки бошқа вилоятларда ҳам содир қилинмоқда. Халқимиз азалдан мевали дарахтга болта кўтарган кимсаларни кемирмаган. Инсофсизларга нисбатан қонуний чоралар кўрадиган вақт эса етиб келди. Акс ҳолда болта тўтган кўллар кўллаб боғзорларни йўқ қилиши турган гап.

Рустам НИШОНОВ,
Республика прокуратураси
умумий нозорат бошқармаси
прокурори
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Хукук» мухбири.

• Химоячи - қонун!

ОНАСИЗ ЕТИМ - ГҲР ЕТИМ...МИ?

Ёвуз ўғай она ва унинг етим кизга ўтказган жабр-зулми ҳақида кўпдан-кўп бодий асарлар ёзилган, юракларни эзувчи мунгли кўшиқлар тўқилган.

Шундай асарларнинг энг яхши намунаси, ўзбек халқининг машҳур «Зумрад ва Қиммат» эртагани ким эшитмаган? Болалиқдан уни ҳаяжон билан тинглаб, зolim ўғай онанинг қилмишларидан нафратланмоган, етим киз Зумрадга раҳми келмаган киши бўлмаса керак.

Эртақларнинг бир нораси яхши, улар ҳамиша ярилик билан тўғайди. Золимлар ҳазолиб, молзуллар мурод мақсадларига етдилар. Халқ эртақлар орқали ўзи орзу қилган адолат тантанасини яратди: эзгуликни ёвузлик устидан ғалиб қилади. Халқ ўзига хос адил судловни шу тариқа амалга оширади.

Қундалик турмушда баъзан шундай воқеаларга дуч келомизки, ҳар қандай эртақ ёки афсона ҳам ҳаётий ҳақиқатлар асосида яратилганга амин бўламиз. Шундай воқеалар учрайдик, уларнинг кўп жиҳатлари эртақ воқеаларига жуда ўхшаш. Лекин эртақлардан фарқи шуки, уларнинг интихоси ҳалими ҳам хойри бўлвермайди. Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида содир бўлган ушбу воқеа ҳам ўғай она ва етим киз ҳақидаги эртақни беихтиёр эсга солади.

1998 йил 3 январь кўни Тойлоқ тумани марказий шифохонасига ўз жонига қасд қилиш мақсадида уқсус суюқлигини ичиб, кучли заҳарланган 15 ёшли қизалоқ келтирилди. Шифокорларнинг малакали тиббий муолажалари сабабли ёш қизчанинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Саволлар тўғайди. Ҳоли ўн гулидан бир гули очилмаган қизалоқни ўз жонига қасд қилишга нима мажбур қилди экан? Унинг бундай охижларча исён қилишига сабаб нима? Унинг яшашига, ўсиб улгайишига нима тўсқинлик қилди экан?

Жавобни суд ҳужимида топамиз. Унда шундай дейилган: «Судланувчи Шарипова Ўғайлол Холмуродовна ўзига моддий ва бошқа жиҳатлардан қарам бўлган 1983 йил 16 февраль кўни туғилган ўғай қизи Хотамова Мунира Ўқтамовнага нисбатан 1995-1998 йиллар давомида муттасил равишда раҳмсиз муомала қилиб, унинг шаънига тегадиган сўзлар билан ҳақорат қилиб келади. Мунира Хотамова унинг бу ҳақоратларидан сўнг 1998 йил 3 январь кўни ўзини ўлдириш мақсадида уларидида бўлган, банкда сақланган уқсус суюқлигини ичиб, ўз жонига қасд қилган ва шу кўни Тойлоқ тумани марказий шифохонасига етказилган. Шифокорларнинг малакали тиббий ёрдами тўғайли унинг ҳаёти сақлаб қолинган».

Савобсиз оқибат бўлмайди. Холдидан ошган ўғай онанинг жабр-ситами, «ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ» тарзидаги камситишлари, босган қадамини таъбиб этиш, уйдаги доимий жанжал-тўполонлар Мунирани руҳон тушқун аҳолига солиб қўйган. Муттасил таҳдид, таҳлика остида яшаш уни жонидан тўйдириб юборган. Ўз жонига қасд қилишни бу азоблардан қутулишини ягона йўли деб билган. Бечора, қизалоқ билмайдикки бу йўл энг оғир ғуноҳ йўли, қоловерса, бу унинг буткул мағлубияти эканини.

Халқ билиб айтади: «Отасиз етим- гўл етим,

анасиз етим- гўр етим», деб. Ота устачилик билан юриб, ҳафта ўн кунда уйга бир келди. Рўзғорда ўғай она танҳо ҳўжмрон. Маҳалла-кўй, кўни-қўшинлар бефарқ. Хали балога остонасига қодам ҳам қўймаган бечора киз дардини кимга айтиши билмайди. Ўғай онанинг ўз фарзандлари бор. Улар Муниранинг ота бир она бошқа укалари. Ўғай она «ўғай бўлсам фарзандларимнинг опасику» демайди, «етимнинг кўнглига қараш савоб» демайди.

Ўз фарзандларига меҳрибон бўлган она, кўнгли ярилик кизга нега бунчалар бешафқатлик қилди экан? Ахир, ўғай фарзандларини ҳам ўз болалариди кўриб, уларни оқ ювиб-оқ тараб, вояга етказган ва етказётган оналар ҳам жуда кўп-кў юртимизда. Халқимиз азалдан баложаз халқ. Етимлар бошини силаш, кўнглини ўқсатмаслик, уларнинг ҳақиқга хиёнат қилишдан сақлашни энг улў инсоний қадриятларимиз сирасига кирди. Ўғай бола у ёқда турсин, етти ёт бегона бўлганларнинг етим болаларини ўз кучиго олган, уларни вояга етказган инсонлар ҳам шу юрт қишлари.

Ўғайло эса ғуноҳ ва савобни, етимга жабр қилишининг жавобини охирадта қандай беришини ўйламади. Оқибатда эса ёш бир инсон умрига замин бўлиб қолишига бир баҳа қолди.

Етимга зулм қилиш оғир ғуноҳлигини била туриб, бу йўлдан қайтмаган Ўғайло етимнинг химоячиси йўқ деб ўйлаган, шеклили. Химоячи-қонун бор. Қонун ҳар қандай адолатсизликка чек қўяди, химоячиларни адолат билан ўз химоясига олади.

Воқеанинг одам қалбини тўлқинлантирувчи, кишига қаттиқ таъсир қилдиган жойи шундаки, жабрдийда Мунира судда ўғай онасига бўлган даъвосидан кенганлигини айтиб, онасига (ўғай бўлса ҳам онасида) енгиллик беришларини сўрайди...

Мунира онасизлик қанчалар оғир эканини билади. Шунинг учун у чч норасида укалари (ўғай бўлсам укалариди)нинг бир дақиқа бўлсада онасиз қолишларини хошламайди.

Мунира ўғай онасини кемира олди. Лекин ҳаммасини кўриб-билб турган меҳрибон Оллоҳ кемирармикан бемихр Ўғайлоини? Қолаверса вийдон азоби ҳам бор...

Одил судлов айбонувчи ўз айбига сидқидидан иқрор бўлгани, жабрлонувчи ўз даъвосидан кенганлиги ва ёш гўдак болалари борлигини инобатга олиб унга 3 йил муддат билан шартли жазо белгилади. Маҳкўмининг ахлоқи устидан нозорат олиб боришни тумон ИИБ га юклди. Халқимизда «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун файз барока кетоди» деган гап бор. Энди файзи қонган бу хонодонда яна осойишталик ҳўкм суриши, Мунира ҳам Ўғайлоини ўз онасиди яхши кўриши учун ягона йўл бор. У ҳам бўлса Ўғайло ўз-ўзини нозорат қилиши, қаҳр-ғазабдан меҳр-муҳаббат томон юз буриши лозим.

Бахтиёр ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси
бўлим прокурори
Шавкат ЁДГОРОВ.

• Нигоҳ:



Венгрия давлати Европанинг энг сўлиму худудларидан бирида жойлашган. Мамлакатнинг тарихий обидалари, дил тортар масканларини кўриш иштиёқида йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳларнинг қадами узилмайди. Суратда: Мамлакат пойтахти Будапешт манзаралари тасвирланган.

• Суд ҳукми ўқилди

«ОПИЙ» ОПЕРАЦИЯСИ

келиб, қиймати 3 минг АҚШ долларлик товарни олиб кетишни айтишди. Бирок, Коля бу ишга кўнмайди. Товарни ўзи

ЎКИ ЙЎЛДАН АДАШГАН ОТАЛАР

бу жуда қаттиқ иш...
- Бир иложини қил, оғайни! Ахир, «закалат»ни олиб кўйганман-а!

- Унда, юр, кетдик!
Улар тўппа-тўри бориб, Собиржон Мирзаматовга учрашди.

- Окажон, Сизнинг Қирғизистонда танишларингиз кўп. Ўша ёқдан...

- Майли, мен рози. Бирок...
- Тўшундим, мана хамир учидан патир!

Зокиржон шундай дея «Коля» дан олган ун уч минг сўмдан ун мингини унга узатди.

Орадан икки кун ўтгач, Мирзаматов билан Мамажоновлар Ўш шаҳрига бориб, Шаробиддин деган танишларига учрашди. Зокиржоннинг божаси Тождин билан таништирди. Тождин эса шу иш билан махсус шуғулланувчи аёлга рўбарў қилди:

- Бизга уч килограмм опий керак эди.

- Бош устига! Бирок, уни чегарадан ўтказиш кимнинг ҳисобидан бўлади? Агар мен ўтказиб беролганим бўлсам, ҳар бир килограммига 1000 АҚШ долларидан чўзасизлар. Мабодо, ўзимиз ўтказиб оламиз, десангизлар 850 дан берсангизлар етади!

Орадан икки-уч кун ўтгач, оқ рангли «Нива»да ўшлик Шаробиддин, Тождин ва яна бир аёл ҳар қандай кишига ҳам бахтсизлик келтирувчи ўша «товор»ни контрабанда йўли билан чегарадан ўтказиб, уйига олиб келишади. Бундан бошлари осмонга етган Мирзаматов ва Мамажоновлар Султоновни топиб, харидори билан тез

яшаб турган Комилнинг уйига олиб келиб беришларини талаб қилади.

Бунга рози бўлган Мамажонов билан Султонов уч килограмм опийни қўлтиқлари остига жойлаб уйига кириб келишади. Лекин, ичкарида совдо пилмайдди. Сотувчилар жами 3900 АҚШ доллари сўрашади, Коля эса бунга кўнмайди. Ноилоҳ қолган товар эгалари ортларига қайтиб, товарни Мамажоновнинг уйига жойлаб қўйишади.

Шу орода бу харидорғир «товор»га янги ишқибоз топилиб қолади. У билан 2 килосига 2500 АҚШ долларига 12000 минг сўмга келишилади. Бирок, жиноятчиларнинг оғзилари энди «ошга» етганда «бурнилари қонади». Улар тезкор милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Тинтув чоғида Мамажоновнинг уйдан яна 746,7 грамм ўткир ҳидли тўқ жиғарган модда топилди. Текширувда у ҳам «опий» моддаси эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, «опий» операцияси аянчли хотиما топди. Суд турган-битгани гуноҳи азим бўлган бу ишлари учун мол-мулкларини мусодара қилиш шарти билан ҳар, учала жиноятчини 15 йил муддатдан озодликдан маҳрум этади.

Шундан кейингина, пул деса ўзини томдан ташлайдиган уч «шоввоз»нинг кўзлари мошдек очилди.

Рустам МАТЧАНОВ,
Республика прокуратураси судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси қатта прокурори.
Мурод КАЛОНХОН,
журналист.

Букрини гўр тузатади, деб бежиз айтилмаган экан. Албатта, ҳаммани бир қаричда ўлчаб бўлмайди. Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа «қахрамони» учун ушбу мақол атайин ўйлаб топилгандай.

САЁК ЮРГАН

Улфат Нурмухамедов 1967 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Бўйдоқ. Маълумоти ўрта. Ҳеч қерда ишламайди. Ҳамза тумани, Строительная кўчасидаги 1-уйда онаси билан яшарди. 1989 йилда қотиллик жинояти содир этган ва С.Раҳимов туман судининг ҳукми билан 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. 1996 йилнинг октябр ойида Поп тумани судининг ажрими билан жазони ўташ муддати 1 йилу 8 ой қолганда жазо чораси ўзгартирилган. Аммо белгиланган жойда ишлаш, ИИБ назоратида туриш қоидаларига амал қилмай, Тошкентда кўнглига келган ишлар билан шуғулланиб юрган ва орадан роса бир йил ўтгач, яна оғир жиноят - қотилликка қўл юрган.

«Кўр кўрни қоронғуда топади», деганларидек, Улфат «озодликка» чиққач, тўғри Тошкентга йўл олди. Суд томонидан иш жойи тайинланган бўлишига қарамай, қонунга амал қилмади. Онасининг ялиниб-ёлворишларига парво қилмай, яна саёк юришни давом эттирди. Бу юриши узоққа чўзилмаслигини у яхши биларди. Орадан кўп ўтмай, уни милиция ходимлари қидириб келдилар. Аммо, ўзининг қаерларда юрганни хатто онаси ҳам билмасди.

Судга гувоҳ сифатида таклиф этилган М.Нурмухамедова кўрсатмасидан:
«У 1996 йилда жазони

ларидан» бири Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Строительная кўчаси 9-уйнинг 32-хонадонида яшовчи Светлана Стоценко бўлиб чиқди.

Светлана ҳам Тошкентда туғилиб, ўсган. Кейин Чирчиқ шаҳрида яшаётган онасининг уйига кўчиб борган ва уни ерлик Баходир Обидов билан ноқонуний уриш бошлаган. «Эри» билан ярашиб қолгач, яна Тошкентга - бувиси Кристина Полянскаяникида яшай бошлаган. «Музқаймоқ» кафесида сотувчилик қилган.

Улар бир-бирларини аввалдан танишарди. «Ҳизматини ўтаб кайтган» Улфат Светани кўчада учратиб қолади ва уни уйига таклиф этади. Шу торик улар даяри бирга яшай бошлайдилар. Улфат учун Светанининг эшиги ҳамиса очик эди. Аммо, уларнинг «ширин турмушлари» узоқ давом этмади. Орадан бир муддат вақт ўтгач, Улфат юқумли таносил касаллигига учраб қолади ва бунда Светанини айбдор деб билади. Жиноят содир этилган куни Улфат кеч соат 23ларда Светанинига кириб келади. Унинг тергов чоғида ҳамда судда берган кўрсатмасига кўра, Светана «касаллиқни бошқалардан юктиргансан», деб айтади. Сўнгра ўзга аёл билан алоқада бўлмаганлигини айтганида «атайин шу ишни қилдим» дея Улфатнинг сабабига тегга берилади. Енларидеда турган пичокни кўрсатиб, «агар эркак бўлсан, ўр, ўлдир» деб бақиради. Ва... шу жойда фожиа содир бўлади. Кўзи қонга тўлган Улфат унинг бир неча жойига пичок санчади. Қўшни хонада ётган бувисининг уйғонганини сезиб қолгач, деразадан тушиб қолади...

Воқеанинг қисқача тафсилоти ана шундай. Хўш, қотиллик нега юз берди, деган саволга эса қатор жавоблар бериш мумкин. Уларни келтириб чиқарган сабаблар талайгина. Аммо, энг асосийси битта. У ҳам бўлса, бетайин турмуш тарзи. Чирчиқда ҳаёти яхши бўлмагач, Тошкентда бувисиникига келган Светлана эл қатори ҳалол яшашга интиланганда, ҳозир соғ ва омон юриши аниқ эди. Улфатнинг ўтмиши ва ҳозирги саёк турмуш тарзини била туриб ақинлашишга уни ҳеч ким мажбур қилмагани, ахир. Бунинг устига касаллик...

Борди-ю, Улфат Поп туман судининг унинг касаллигини инобатга олиб, жазо чорасини ўзгартириш ҳақидаги ажримдан тегишли хулоса чиқариб, жазо муддатининг қолган қисминини белгиланган жойда қонунга мувофиқ ўтаганида ҳам фожиа юз бермаслиги мумкин эди. Лекин, афсуски, унинг ўзи ўз умрига зомин бўлди. Ҳа, худди шундай бўлди. Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан унга нисбатан олий жазо - ўлим жазоси тайинланди.

Х. ТУРДИБОВЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари.

• Прокуратура назоратида

«МАЗАСИ» ҚОЧГАН ОЛТИРЛАР

Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан солиқ тизими ходимларини жалб этган ҳолда ўтказилган текшириш даврида Термиз аэропорти чиптаханасининг Чоршанбиева хизмат кўрсатаётган фазасида 693 сўм камомад борлиги аниқланди. Зиёдаҳон ўз тушунтириш ҳатида бун шундай изоҳлайди: «Сабоби соғлигим йўқлиги. Эрталабдан буён иситмам бор. Йўловчилор кўп. Текширувчилар келганидан сўнг шоши-либ, сонюқдан адашиб қолганман».

Сависиб аэропорти чипта сотувчиси Чиннигул Самадова хисобидан нақд пуллардан эса 473 сўм кам қилди.

Кизиғи шундоки, Самадова ҳам аввалига «Мазаси қочди» дея баҳона қилган. Кейин эса йўловчилар кўплиги, асосан майда пуллар беришигана, шу боис уларни санаб олишда чалқашиб кетганини ваз қилиб кўрсатган. Ваҳоланки, тегишли дололатномада қайд этилишича, фазнадаги пулларнинг аксарияти 100

сўмлик ва 50 сўмлик, қисман 25 сўмлик бўлган. Чиннигулнинг фазнадаги пулдан ўз эҳтиёжи учун ишлатганлигини тан олмадан ўзга иложи қолмади.

Ҳар иккала чипта сотувчи устидан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилди.

Тошкент-Термиз йўналиши бўйича қатновчи йўловчи поезди ҳам текширилди. Натижада Абдуллоҳидов кузатувчилик қилиб келаётган 16-вагонда Тошкент бекатидан 19 та чиптасиз йўловчи топиб келинаётгани аниқланди. Шу тарика 18 минг 772 сўм моддий зарар етказилган. Самадов кузатувчи бўлган 8-вагонда бундай йўловчилар сони 26 тани ташкил этган. Уларнинг ҳаммасиби Ҳамидов эса ҳаммасидан ўзиб кетган. У кузатувчи бўлган вагонда 36 нафар чиптасиз йўловчи келмаётганлиги маълум бўлди. Биргина ана шу аниқланган ҳолат бўйича 27 минг 376 сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Ахир, бу давлат хазинасига нисбатан



Тошкент юридик коллежининг компьютер хонаси.

ўзига хос талончилик эмасми? Юқорида исми-шарифлари қайд этилган барча шахслар устидан ЖК нинг 170-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Термиз транспорт прокуратураси ходимлари бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Аммо, нахотки, бундай хунук воқеалар мазкур соҳанинг мутасадди раҳбарларини ташвиш солмасми?

Ж. ҚУРБОНАЛИЕВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири.

ўтаб қайтгач, касаллиги тўфайли Ялангоч посёлқасидати шифохонада доволанишим керак, деб чиқиб кетганича узоқ вақт уйга қайтиб келмади. Ўзим шифохонага излаб бориб тополмадим. У ерда доволанганим, йўқми билмайман. Бир сафар уйга келганида «Ниманинг ҳисобидан яшоясан», деб сўраганимда «менинг бир неча хотиним бор. Ана шулар боқишяпти» деганди. Бу хотинлар кимлар, қаерда туришади, мен учун қоронгу. 1997 йилнинг августидан бери уйга келмаганидир».

Улфатнинг ўша «хотин-

